



# Тасвир

## Бурчга садоқат

Андижон шаҳри осойишталигига даҳлдор раҳбар сифатида меҳнат жамоалари ҳузурларида, аҳоли истиқомат жойларида тез-тез бўлиб туришга, меҳнаткашлар билан жонли мулоқот қилишга тўғри келади. Бундай учрашув-мулоқотлар вақтида ички ишлар идоралари шаънига айтиладиган нордон таъналарни ҳам эшитиб тураемиз. Бу ўринли таъналарга қулоқ бериб, эшитилган ўзга илож йўқ, албатта. Чунки буларнинг замирида ҳақиқат бор. элнинг ташвишлари ётади. Шунда беихтиёр ўзингиз хизмат қилаётган соҳани танқидий назар элагидан ўтказиб, ҳолисона таҳлил қилиб чиқишга, ҳукм сураётган ҳақиқий аҳволнинг туб манзарасини очишга интиласан киши.

Шулардан келиб чиқиб, мен ҳам шу йилнинг ўтган давридаги иш фаолиятимизни назар тарозисидан ўтказиб, палланинг қайси томони қандай сабабларга кўра оғирлиги хусусида ҳурматли муштарийлар билан фикрлашмоқчиман. Хўш, бугун нима учун милициянинг фаолияти хусусида салбий фикрлар, норозиликлар, эътирозлар кўп? Наҳотки милиция мутлақо фаолиятсиз, тушкун ҳолга тушиб қолган бўлса? Лекин якунланган даврни танқид кўзи билан таҳлил қиладиган бўлсак, ишимизда анчагина ижобий силжишларга эришганимизнинг шохиди бўламиз. Далил энг яхши ҳакам, дейди доно халқимиз. Агар расмий статистика маълумотларига қарайдиган бўлсак, Андижон шаҳрида 300 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади. Лекин шаҳар аҳолисига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилиши ҳисобида қўшни Андижон ва Олтинкўл туманлари хўжаликларининг каттагина қисми турли объектлари билан шаҳарга ўтди. Бугун норасмий маълумотларга кўра шаҳар ҳудудида 450 минг аҳоли истиқомат қилмоқда.

Бироқ вилоят маркази милициясининг шахсий таркиби, моддий-техника базаси, техник жиҳатдан таъминланишида деярли ўзгариш йўқ. Бу эса жиноятчилик кескин ортиб бораётган бугунги иқтисодий-ижтимоий, мафкуравий таназзуллик шароитида жиноятчилик билан курашни кучайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаш туфайли оғир жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг соини камайтириш, жиноятларни ўз вақтида очиш, чайқовчиликка қарши кураш усулларини такомиллаштиришда озми-кўпми тажриба ортирмоқдамиз. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярмида жиноят қидирув йўналиши бўйича 523 жиноят қайд этилиб, 260 таси, шу йилнинг олти ойи даврида 504 жиноятнинг 308 таси очилди. Оғир жиноятларнинг сони ўтган йилга нисбатан 9 фоизга камайди. Қайд қилинган 80 та оғир турдаги жиноятлардан 56 таси ўз вақтида фош этилди.

Бир нарсани алоҳида қайд қилишни ястардим. Агар ўтган йилнинг биринчи ярмида қасддан одам ўлдирish 15 тани ташкил этиб, шундан атиги бештаси очилган бўлса, бу йилги олти ойда юз берган 14 та ана шундай оғир жиноятнинг ҳаммаси ўз вақтида фош қилинди. Аҳоли шахсий мулкни ўғирлаш ҳоллари ҳам 9,5 фоизга камайди. Номасълум шахслар томонидан содир қилинган жиноятларни очиш икки баробар ортиди.

Шу йили 7 июнь куни Муқимий кўчасидаги 29-уйда номасълум шахс томонидан қирқма ов милтиги билан В. Ерошенко ўз уйида отиб кетилди. Жабрланувчи касалхонада вафот этди. Мазкур жиноят бўйича дарҳол шаҳар милицияси бўлимида оператив-қидирув гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари марҳумнинг дўстлари ва танишлари даврасини ўргана бошладилар. Излар «афғонистонлик» лақабли шахсга бориб тақалди. У Андижон шаҳридаги Чехов кўчасида истиқомат қилувчи В. Мочалов бўлиб чиқди.

12 июнь куни шаҳар ички ишлар бўлимига вилоят клиник касалхонасидан хабар тушди. Унда пичоқ билан яраланган В. Золотов деган шахс келтирилганлиги айтилганди. Ярадорнинг уйи кўздан кечирилганда, бир эркекнинг жасади топилиб, у турар-жойи номасълум бўлган В. Сусин эди. Милиция ходимлари томонидан олиб борилган шовшинлик қидирув ишлари натижасида қотилнинг дараги чиқди. У Н. Коноев эканлиги аниқланди.


Шаҳарнинг учинчи ўрама ҳудудидаги бўзахонаси (пиво бари)да Ф. Муродовга пичоқ уриб қочган В. Ефимов ҳам оператив-қидирув ишлари туфайли дарҳол ушланди.

18 июнь куни шаҳар ички ишлар бўлимига М. Юсупова деган аёл мурожаат қилиб, синглиси йўқолганини айтди. Милиция майори Г. Исоқов, милиция капитани Н. Жўрабоевалар тадбиркорлиги туфайли Гулчехраховнинг қотили Т. Сатторов дастлабки сўроқдаёқ ўз қилмишига иқдор бўлди.

Ички ишлар бўлими ходимларининг кундалик оператив фаолиятларидан ҳикоя қилувчи бир неча мисолларни келтириб ўтдим, ҳолос. Хўш, қидирув, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ишлари самарадорлигини оширишга қандай эришмоқдамиз? Энг аввало бўлим шахсий таркиби ўртасида ижрочилик интизомини кучайтириш масаласига эътибор қаратилди. Топширилган ҳар бир иш учун ходимларнинг шахсий масъулияни ҳиссини ошириш чоралари кўриломоқда. Милициянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига маҳаллий идораларнинг диққати анча ортиди. Буларнинг ҳаммаси бурчга садоқат туғусини янада мустаҳкамлаш учун замин яратмоқда.

**Ж. РАҲМОНОВ,**  
Андижон шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги.

ЭРТАГА — ҲАВО ФЛОТИ КУНИ



Пойтахт қўналғисининг ходимлари эртага нишонлайдиган байрамлари — ССЖИ Ҳаво Флоти кунини иқтисодиётда танқислик даври бўлишига қарамай ўз имкониятларидан келиб чиқиб, луқароларга зарур хизмат кўрсатиш билан нишонлаётдилар. Ҳаво ланерларининг ишдан чиқаётганлиги, боз устига ёқилғининг қимматпашаётганлиги ва унинг етишмаслиги уларга қийинчилик туғдиримоқда. Кишиларнинг асабийлашиши, қўналға биналарида қолиб кетишлари, шароитнинг қийинлашуви транспорт милицияси билан жипслашган ҳолда ишлашга ундамоқда. Турли йўналишларга учиб кетаётган ҳамшаҳарларимиз ва серкуёш ўлкамизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг осойишталигини таъминлашни ўз вазифаси деб билган ички ишлар ходимлари аэрофлот хизматчилари билан елка-елка хизмат қилмоқдалар.

**СУРАТЛАРДА:** қўналға ходими Тўлқин Ражабов самолётга фуқароларни чиқаришти; транспорт милициясининг назорат бўлими маси кичик инспектори милиция кичик сержанти Абдуманноп Бадилов (ўнгдан иккинчи) қўналға ходимаси Светлана Спирова билан ҳамкорликда йўловчи юкини текширяпти; милиция старшиналари Эржон Жўрабоев ва Вали Назаровлар хизмат пайтида. Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

## ...ХИРМОНДА ҲОЗИР

Тошкент вилояти автокорхоналарининг бирида ҳайдовчилик қилувчи Анорбой Бегматов ўзига бириктирилган 84-07 ТШП рақамли «ЗИЛ-130» белгили юк машинасида ғалла йиғимтерининг ёрдам бериш мақсадида Қамаш туманининг Карл Маркс номи давлат хўжалигига келган эди. Бироқ бу «ҳашарчи» ўз манфати йўлида тер тўкаётгани маълум бўлиб қолди. 23 июнь куни у 1720 килограмм арпага Қамаш шаҳар Ҳамза номи маҳаллада ис-

тиқомат қилувчи Норқул Тўраевнинг шахсий омборига тўкиб, 600 сўм пулли санаб олаётганда қўлга тушди. Бундан ташқари бу «дастёр» ҳайдовчининг 21 июнь куни ҳам шу киши хоначонига 200 килограмм ғалла келтириб, 200 сўмга пуллаб кетганлиги аниқланди. Халқ мулкни талон-торож қилувчи бу кимсага нисбатан ЎзССЖ ЖМнинг 117-моддаси 2-қисмига асосан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, мазкур хўжалик ҳайдовчиси Бозор Назаров ҳам А. Бегматовдан қолтирмаган экан. 20 июнь куни у М. Холхўжаевга бириктирилган 06-01 ТШП рақамли «ЗИЛ-130» белгили юк машинасида ўз уйига 1950 килограмм ғалла юмариб келганида, шу туман ИИБ ВХСС катта оиервакили Раҳматулла Боймуродов ва участка вакили Турди Боймирзаевларнинг тўрига илинди.

Зубайдулло МУҲАММАДИЕВ. Қамаш тумани ИИБ ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўлими маси бошлиғи милиция майори.

«ҚОРАДОРИ—91»

# ИМОНИНГ ДАН АЙРИЛМА

Сочларига оқ оралаб, юзларига ажин тушган нуроний отахон ва онахонларимиз кўпинча бир гапни такрорлашади. «Кексайганимда имонимдан айирмагин, ўзинг адаштирмагин»,— деб яратганга илтижо қилишади.

Хўш, имон деганлари нима? Менимча, у инсоннинг инсонлигини кўз-кўз қилиб турадиган ҳислат Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳалол, покиза ҳаёт кечирish мезони.

Ишончим комил, 1930 йилда Риштон туманида таваллуд топган онахон Ҳикоятхон Жумаева ҳам шу пайтгача бир неча марта бошқачароқ қилиб айтган. Лекин инсонни хом сут эмган банд, деб бежиз айтишмас экан. Йўқса, у ёши олтмишдан ошган маҳалда шайтоннинг гапига қулоқ осардимми!!

Шу йил 14 май кўни унинг ҳовлисига милиция ходимлари кириб келишди.

— Уэр, онахон, сизни безовта қилдик, — дейишди улар, — эшитган бўлсангиз керак, ҳозир «Қорадори-91» операциясини ўтказаямиз. Мабодо томорқада кўкнорига ўхшаш экиннингиз йўқми!

Онахоннинг юзлари дув қизариб кетди. Лекин милиция ходимлари буни сезишмади. Бирин-кетин томорқага чиқишди. Не кўз билан қарашсиники, эни икки метр, узунлиги тўрт метр келадиган майдонда кўкнорилар гуркираб ўсиб ётар, ҳатто кўсак ҳам туккан эди. Ҳисоблаб кўришса, беш юз түп экан.

— Онахон, бу қанақаси бўлди! — деб сўрашди улар бу ишни ҳужжатлаштираётиб.

— Эрта баҳорда укропга кўшиб, кўкнори уруғини ҳам сеппиб юборган эдим. Оз-моз у да турса, халақит бермайди, шамоллаганга дори бўлади, деб ўйловдим...

Милиция ходимлари бошларини чайқашди.

— Эҳ, онахон, дорилликка бу кўриб кеткунинг беш юз түпини парвариш қилиш шартми!..

Яқинда туман халқ суди бу ишни кўриб чиқди ва томорқасида таъқиқланган экинни ўстиргани учун Ҳикоятхон Жумаевани УзССР ЖМнинг 217-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди. «Доривор» ўсимлик эса йўқ қилинди.

Ҳозир онахон қилмишидан қаттиқ пушаймон.

Қул ТЕГИН.

Урта мактабда таҳсил олиб юрган пайтларимизда муаллимларимиз тез-тез такрорлаб турадиган бир гап ҳали-ҳануз қулогим остида жарағлайди. Мабодо дарсни кўнгилдагидек тайёрламасдан келсак ёки ҳаддан ортиқ шўхлик қилиб юборсак, улар: «Ҳой бола, қадамингни билиб бос, йўқса СПТУга жўнатиб юбораман», — деб пўлиса қилишарди. Ана шу қўрқитиш сабаб бўлиб, тасаввуримда СПТУ (қишлоқ ҳунар-техника билим юрти) тарбияси ёмон ўқувчиларни ўқитадиган жазоловчи бир жой сифатида акс этганди. Кейинчалик СПТУ болалари ҳақида, уларнинг қинғир ишлари тўғрисида эшитавергач, боғи тасаввурим янада салбийлашиб бораверган. Хўш, нима учун томдан тараша тушгандек ҳунар-техника билим юртини эслаб қолдинг, деб сўрарсиз? Бунга яқинда Фарғона вилоятининг Киров тумани халқ судида ўтказилган бир мажлис сабаб бўлди. Мажлисда 1974 йилда туғилган Жуманазар Бургутов УзССР ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди, икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазони вояга етмаганлар билан шуғулланувчи меҳнат-тарбия муассасасида ўташи лозимлиги белгилаб қўйилди.

Хўш, Жуманазар ўзи ким? У шу тумандаги Кўкдўппи қишлоғида истиқомат қилади. Қўшни Ўзбекистон туманидаги 34-қишлоқ ҳунар-тех-

ника билим юртининг учинчи босқичида таҳсил олади.

Суд мажлисига унинг ҳамқишлоғи Мўминахон Абдуллаева жабрланувчи сифатида таклиф этилди.

— Шу ерда ўтирганларнинг кўли менинг аҳволимни яхши билади, — деди у сўз олиб. — Жойи жаннатда бўлгур турмуш ўртоғим бизни ёлғиз ташлаб кетганлар. Шундан бери тўртта болани аёл бошим билан парвариш қилиб келаман. Сағир, ўксимасин дейману ўзимни ўттачўққа уриб бўлса ҳам, улар-

мондаги кўрпа-тўшаклар, орасини эринмай очиб кўра бошлади. Излаган нарсасини тополмай, бироз асабийлашди. Шунда тоқчада турган кичиккина сандиқчага кўзи тушиб, қувониб кетди. Қалитни осонликча топиб очди. Ҳайрият муродига етди. Олти дона 50 сўмлик тилла заём ва саккиз дона 50 тўйинлик лоторея билетларини шошилиб чўнтагига тикдида, уйдан узоқлашди. Беш дона тилла заёмни ўз уйида лоторея билетлари билан қўшиб яшириб қўйди.

жабрланувчининг бева аёл жақлигини, унга келтирилган зарар анчагина салмоқли бўлганлигини назарда тутишди. Енгиллаштирувчи томони деб эса Жуманазарнинг муқаддам судланмаганлиги ва ўқиш жойидан ижобий тавсифнома берилгани эътиборга олинди.

— Ўғлимиз олдин мўмингина бола эди, — дейишди унинг ота-онаси Бодомхон ва Неъматжон Бургутовлар. — СПТУга борди-ю, айнади-қолди...

«СПТУга борди-ю, айнади-қолди!» Бу гапни кўп эшитиш мумкин. Чиндан ҳам қишлоқ ҳунар-техника билим юртига бориб, «айнаб қолган» Жуманазарлар кўпчилик. Хўш, бунга сабаб нима? Уша билим масканида таълим-тарбия ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги. Аниқ далилларим йўқ, лекин шундай ўйлайман. Бундай фикр юритишимга Жуманазар «билим олаётган» маскандан унга берилган ижобий тавсифнома туртки бўлди. Чунки жиноят содир этган кўни Жуманазар ўқиш жойида бўлиши керак эди. Афсуски, тавсифномага жимжимадор қилиб имзо чекиб, муҳр босганлар шуни ҳам эътиборга олишмаган. Эҳтимол, улар аввало ҳафсаласизликларини, қолаверса, ўз ўқувчилари жиноятини илиқ гаплар битилган бир парча қоғоз билан ёпмоқчидирлар? Афсуски, бунинг иложи йўқ.

Али ЭРДОН.

## «СПТУ» ТАЛАБАСИ


ни бошқа болалар қатори едириб-кийинтиришга ҳаракат қиламан. Уша кўни ҳам ўғлим Асқарали билан далага кетаётгандик. Соат чамаси эрталабки тўққизлар эди. Йўлда Жуманазарни учратдик. Кўнглим бир сесканганди-ёвл..

Ҳа, унинг кўнгли бекорга сесканмаган экан ўшанда. Она-бола далага кетишганини, уйда ҳеч ким йўқлигини билган Жуманазар ўғри мушукдай пусиб уларни кўриб келди. Дарвоза бурнидаги қулфни кўриб, девордан ошиб ўтди. Ойнанинг синиқ жойидан қўлини суқиб, деразани очди ва хона ичига озорликча кириб олди. Кейин тах-

— Олтинчи заёмни Жангетмон қишлоғи дўкони олдида битта одамга 50 сўмга алиштирдим, — деди Жуманазар айбига тўла иқроор бўлиб. — Кейин қимор ўйнаб, бу пулни Озод исмли болага ютказиб қўйдим...

Тўғри, жабрланувчига келтирилган зарар судланувчи ота-онасидан ундириб берилди. Лекин Мўминахон яра кесиб ташланмаса, у мадда боилаб кетишини эслатиб, суд ҳайъатидан Жуманазарга нисбатан қаттиқ чора кўришни талаб этди.

Суд ҳайъати ҳукм чиқаришда масаланинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи томонларини ҳисобга олди. Оғирлаштирувчи томони деб



Паркент тумани ички ишлар бўлими ходимлари тоғ бағридан ўтган йўлларда улов воситаси билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар. Бироқ йўл тасодифларга тўла, деганларидек, гоҳ-гоҳида автофалокатлар учраб турибди. Давлат автомобиль инспекцияси назорати постида бўлганимизда, абжағи чиқиб кетган машиналарга кўзимиз тушди.

Бир лаҳзалик эътиборсизлик туфайли содир бўлган

ҳалокат кимнинг умрига зомин бўлди, кимни бир умрга ногирон қилди экан?

Қўйидаги суратларда рулни боқариш масъулиятини унутиб, оғир кўнгилсизлик келтириб чиқарган ҳайдовчилар бошқарган машиналар аҳволи ўз аксини тоналар.

ДАНБ назоратчиси милиция старшинаси Илҳом Фозилов хизмат тақозоси юзасидан бу юрак эзар манзараларга боқишга мажбур.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

## БУВИНГНИНГ УЙИНИ КЎРСАТ

Кейинги пайтларда Ленин тумани ИИБга аҳолидан кетма-кет ариза ва шикоятлар ёғилаверди. Уларни синчиклаб ўқиган одам худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш жиноятлар содир этилишида ўсмирлар қўли борлигини сезиб олиши қийин эмасди.

— Шикоятчилар талабини қондириш мақсадида тўрт кишидан иборат гуруҳ туздиқ, — дейди ЖҚБ бошлиғи ўринбосари О. Жасқиев. — Бу гуруҳга опервакилимиз С. Тамабоев, терговчи В. Маскаленко, участка вакили М. Абдурахмонов ва Тошкентдаги олий милиция мактаби тингловчиси М. Гуржанлар киритилди. Улар бир неча кунлаб рейд ўтказиб, уйқусиз тунлар давомида кўплаб ўғирликларни фот этишга муваффақ бўлишди.

Тун. Соат миллари 3 дан 30 дақиқа ўтган. Шу пайт ҳеч зор кўринмайдиган катта кўчада қоп орқалаган икки нафар йигитча пайдо бўлди.

— Тўхтаглар, — буюрди милиционерлар ва улар ўз-

ларига келиб улгурмай, атрофдан ўраб олишди. — Хўш, қонда нима бор?

— Ойингга олиб боргин, деб бувим консерваланган мол гўшти бергандилар, шуни олиб кетаямиз, — деди ўсмирлардан бири.

Текшириб кўришди, чиндан ҳам қонда консерва банкчалари кўринди. Кейин тагини кўришса, автомашинанинг эҳтиёт қисмлари ҳам бор экан. Бояғи ўсмир бунга ҳам важ топди.

— Отам шофёр бўлиб ишлайдилар, буларни ҳам бувимнинг уйида қолдирган эканлар.

— Иминг нима йигитча?

— Виктор.

— Жуда яхши, унда бизга бувингнинг уйини кўрсат. Афсуски, Викторнинг бу виси ҳеч қанақа консерва ёки эҳтиёт қисм берворган эмас экан. Найрагларни ўтмагач, Виктор тўғриси айтиб қўя қолди.

— Ҳув авани гаражнинг

томига чиқдик. Битта шиферни кўчириб, туйнук очдик. Сашка тепада қолди, мен эса пастга тушдим. Мана шу эҳтиёт қисмларни қопга жойладим, кейин тоқчадаги консерваларга кўзим тушди. Уларни ҳам олволдим.

Хўш Виктор, Сашкалар ким бўлди, деб сўрарсиз? Уларни сизга бемалол таништиришимиз мумкин.

Александр Сафронов 1975 йилда туғилган, Сирғали туманидаги Аэропорт кўчаси, 5-уйида истиқомат қилади. Ҳеч қаерда ишламайди ёки ўқимайди.

Виктор Белякин ҳам Сашканинг тенгдоши. У Авназолар шаҳарчасидаги 1-уйининг 58-хонадонида яшайди, деб рўйхатдан ўтказилган, кўпинча 1922 йилда таваллуд топган бувиси Зинаида Дулебоева билан истиқомат қилади.

— Унинг ота-онаси билан суҳбатлашдик, — дейди сў-

зини давом эттириб Т. Жасқиев. — Маълум бўлдики, Виктор кундузи уйдан ташқарига чиқмас, роса уйқуга тўярканда, «зангори экран» кўрсатувлари тугаб, ҳамма уйқуга кетгандан сўнг дўсти Сашка билан «ов»га отланаркан.

...Бир кўни эрталаб ноуштага сариёғ олиш учун музхонани очган хонадон соҳибаси кўзларига ишонмай қолди. Кеча бум-бўш турган музхонада пати юлинган қурка товуклар ётарди. Буни кўриб, эри ҳам ҳайратланди ва ўғлини уйғотди.

— Виктор, буларни сен олиб келдингми?

— Ҳа, — деди Виктор уйқу арабаш, — тунда тоза ҳавога чиқиб, ўтлар орасида юрган қуркаларни кўриб қолдим. Тош отувдик, шитирлаб қолди. Ўлиб қолмасдан калласини уздинда, олиб келавердик.

Афсуски, ота-она бу номаъқулчилик учун ўғлини

уришиб-тергашмади. Кейинги сафар эса музхона кўён ва товук гўшлари билан тўлиб қолаверди. Бозор иқтисодиётига ўтилиб, товуклар 30—35, қуркалар 70—80 сўмдан сотилаётган бир пайтда ҳеч ким ўз паррандаларини кечаси кўчага ҳайда юбормаслигини боғчага борадиган бола ҳам билди. Лекин Викторнинг ота-онаси бундан «беҳабар» бўлиб чиқди.

Ваҳоланки, тергов жараёнида бу икки ўспирин икки ой ичيدا иккита мактаб, иккита сарой ва мусаввирлар устахонасига тушиб, минг сўмликдан зиёд буюмларни ўмарганлари аниқланди. Бундан ташқари 57-заиф болалар мактабига ҳам ўғирликка тушинган.

Эндигина 16 ёшни қоралаган А. Сафронов ва В. Белякинга нисбатан ЖМнинг 114-модда биринчи ва иккинчи қисмлари, 125-модда биринчи ва иккинчи қисмлари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Мўйдин СУФН.

Икки йилдан зиёдроқ ССЖИ ИИВнинг Бутуниттифоқ илмий-техширув институтининг лаборанти ҳисобланган фуқаро Е. га «Жигули» автомобили кечасию кундузи биркирилган. Е. терговда бўйнига олишга, амалда у Шчелоковлар оиласида шахсий уқаловчилик ва сураткашлик вазифасини ўтаган. Тафтиш шунинг кўрсатдики, Е. га ноқонуний равишда салкам 4 минг сўм тўланган, «Жигули»ни физиллатишга сарфланган харажат эса 1,8 минг сўмни ташкил этди.

Бундан кейин егулик тортиқлар гапиришга арзимайди, чунки улар келтирилган мисоллар олдида хира тортиб қолади. Лекин Шчелоков ноз-неъматлардан ҳам воз кечмасди. Волгоград вилояти ИИВнинг собиқ бошлиғи генерал Иванов унга тарвуз, тузланган олма, помидор ва балиқ жўнатарди, Астрахань вилояти ИИВдан челақлаб қора увидириқ (икра) ва бошқалар келиб турарди.

Бироқ кўнгил олмоққа муттасил тайёр туришни ҳеч ким Калининдан ўтказолмасди. Вазир юбилейини нишонлашга ёки қизининг тўйига (бу тантаналар 8-сонли давлат далаҳовлисида ўтказилиб, «Прага» ресторани хизмат кўрсатади) пул тўлаш зарурати туғилса, шу заҳоти харажати чет эллик меҳмонлар шарафига уюштирилган қабул маросимига сарфлангандек қилиб кўрсатарди. Нарх-наво ошиши олдида мўнаили буюмларни шошилич сотиб олиш ва кейинроқ вазир қариндош-уруғларига эски нархда пуллашми, марҳамат насиб қилсин, хазинанинг тағи эса мўл. Шчелоковлардан бирида оддий қандилни биллур қандилга алмаштириш истаги уйғонди, худо ҳаққи, бундан осони йўқ. Шчелоковнинг туғилган кунига етмиш йил тўлиши олдида Калинин қалласида, ўзининг айтишича, «ажойиб ғоя» уйғонди. Митти расмлар фабрикаси расомларига вазирнинг иккита портретини чизди. Ҳаққидан савол туғилди: нима учун? Гап шундаки, Калинин тўрасига Қаҳрамон унвони беришадими ё йўқми аниқ билмасди. Қовун туширмаслик мақсадида битта портретни Олтин Юлдузли, бошқасини эса Юлдузсиз тайёрлатди. Калинин «ғоя»сининг юзга чиқиши 1200 сўмга тушиб, уни гўё сопол буюмлар харид қилингандек ҳужжатлаштиришди.

Шчелоков Калининнинг яхшилигига таъзирини бериш билан жавоб қайтарди, деб ўйлаш ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Унга генерал унвони беришди. Мукофотдан ҳам қиссимади. Калинин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Хурмат Белгиси» орденлари, ССЖИнинг 5та, социалистик мамлакатларнинг 11 та медали безаб турарди.

— Наҳотки, Шчелоков қонунни топтаётганида эҳтиёт чораларини кўрмаган? — сўрадим Катусевдан.

— У ишни пишиқ қиларди. Келинг учта «Мерседес-Бенц» ва битта «БМВ» автомашинасини ўзлаштириш тарихини ола қолайлик. ССЖИ ички ишлар, ташқи савдо вазирликлари ва «Даймлер-Бенц» фирмаси ўртасидаги ёзишмадан шу кўринадики, «1980 йили Олимпиада ўйинлари ўтказилиши муносабати билан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва шу нусхадаги бошқа автомобилларни харид қилиш имкониятини ўрганиш» учун 1975-1977 йиллари ИИВга бир нечта «Мерседес»ларни бепул беришга келишилган.

Биринчи «Мерседес-Бенц-280» 1975 йил июнь ойида келтирилди. Бироқ ИИВда ундан фойдаланишмади, чунки давлат автомобиль назориятида машина шахсан Шчелоковга тегишли сифатида рўйхатдан ўтказилди. Яна иккита: «Мерседес-Бенц-280» ва «Мерседес-Бенц-450» келгани заҳотиёқ улардан биринчиси Шчелоков қизи номига ҳужжатлаштирилди, иккинчисини эса бошқа нусхадаги эски лимузинга алмаштириб, ДАНда Шчелоков ўғлига қайд этишди. Совгадан Светлана Владимировна ҳам қуруқ қолмади. Унга «БМВ» теги.


— Янги машинани эскисига алмаштиришнинг нима ҳожати бор эди? Дарвоқе, буидан ким ютди?

— «Матвеев» фамилияси ўқувчиларга ҳеч нарсани аңлатмайди. — Катусев мийғида кулимсиради. — агар унинг ортида Л. И. Брежнев-

[Давоми. Боши ўтган сонларда].

Ж. Стояров

# ТУЗУМ



# фарзанди



нинг ўзи яширинганини айтиб ўтмасак... Қизиги шундаки, қонунга хилоф равишда эгаллангани учун бу машина яқинда Брежнев набирасидан мусодара этилди.

Брежнев тахтада ўтирар экан, Шчелоков ҳеч нарсдан кўрқмаса бўлаверарди. Брежнев вафотидан сўнг эса Шчелоков шоша-пиша иккита автомобилни ИИВ Марказий автоҳўжалигига топширди, кассага 15,2 минг сўм тўлаб, биттасини ўзида қолдирди. Шчелоковдан давлатга қарашли машиналар ҳудудий шахслар номига нимага асосланиб расмийлаштирилгани сўралганда, ҳукумат унга машиналарни чет эл фирмаларидан тортиқ сифатида қабул қилишга рухсат берганини айтди. Бош ҳарбий прокуратура сўровига эса ССЖИ Вазирлар Кенгашининг собиқ ишбошқарувчиси М. Смиртюковдан бу масала бўйича ҳукумат қарори чиқмагани ҳақидаги жавоб олинди. Фақат бир йилдан сўнггина туман тарқалди. Шчелоковнинг уйдаги сейфида биз ССЖИ Вазирлар Кенгашига йўлланган учта хатни топдик. Улар ёрдамида Шчелоков автомашиналар олиш ҳолатини андишасизлик билан бузиб кўрсатиб, «Розилик» йўриғини қўлга киритган. Бироқ «мерседес»ларни шоша-пиша топшириш ёки товон тарзида пулини тўлаш ва Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосарлари имзоси қўйилган хатларни яшириб қўйиш фактлари қачонлардир яралган халқ мақоли — «иллати бор ҳўкизининг оёғи қалтирайди» — ҳулосасини тўла-тўқис тасдиқлайди.

## ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ

Шчелоков ниманидир билмаганига, бошқасини фаҳламаганига, қардадир билиб-билмай адашганига асосланиб, сўроқ ва юзлаштиришларда гаразли сунистеъмолни рад этди. Масалан, унинг гапига қараганда, оиласига келтирилаётган гуллар ССЖИ ИИВ 1-сонли давлат далаҳовлисидан фойдаланиш харажатида кўзда тутилган, деб ўйлаган эмиш.

Тергов иштироғида у ўзи томонидан ўзлаштирилган буюмларнинг кўпини қайтарматани ҳақида маълумот бор эди, шунинг учун Шчелоков ва унинг қариндошлари хонадонлари, далаҳовлиларида тинтув ўтказиш зарурати туғилди. Қадам равишда қилинган ҳар бир жойдан ўтирилган буюмлар топилди. Бундан ташқари Бош ҳарбий прокуратура ходимларини асосан расмлар ва амалий-манзарали санъат асарларидан иборат турфа хил бойликлар мўллиги қи-

зиқтириб қолди. Расмлар сонини айтиш кифоя қилса керак. Улар 124 дона бўлиб, Бенау, Саврасов, Маяковский, Фальк, Айвазовский, Шишкин, Кончаловский ва бошқа таниқли мўйқалам соҳибларининг асарлари бор эди.

Гап бу расмлар йиғмаси вилоят музейини безашга етиб ортишида эмас, балки кичик, аммо маъноли кўринишда; хонадонлардан биридаги кароват тағида расмлар полда ётарди.

Яхшиси сўзни Александр Филиппович Катусевга бераман, чунки буларнинг ҳаммаси унинг кўз ўнгида рўй берганди.

— Уша пайтда мен адлия полковниги унвонида Бош ҳарбий прокурор ўринбосари бўлиб ишлардим. Тинтувга рухсат берардим ва унда ҳозир бўлардим. Қонун прокурорларга алоҳида мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда бундай ҳуқуқни берган. Шчелоков эса ҳар қандай қўтилмаган нарсага қодир эди.

Унинг буюмлари орасида чўнтак-боп олтин соат топилганида, Шчелоков бизни бу соатни ёддан чиқариб қўйганлигига ишонтиришга урияди ва аввалги кўрсатмасига хилоф равишда таваллудни нишонланган кўни Чурбановдан айнан шу соатни олганман, деб даъво қилди. Бироқ бу соатга «Павел Буре» белгиси урилганди, совгага берилганида эса бошқа — «Налпако» фирмаси белгиси бор эди. Дарвоқе, бу вақтда биз уни кимга тортиқ этганини билардик. Тухфани топшириш маросимига оид мана бу учта суратга қаранг-а. Биринчисида бепарво давлат бошлиғи, унинг қаршисида эса оғзи қулоғида Шчелоков ва Чурбанов, иккинчисида Брежнев қиёфаси анчагина маъноли акс этган, учинчисида соат азбаройи ёққани учун ўридан кўзгалаётган Брежнев...



СУРАТДА: Н. Шчелоков бадий ҳаваскорлик иштирокчилари ҳузурида. Узини санъат шайдоси ҳисоблаган ўтказиб турарди.

— Александр Филиппович, расмлар ҳақида гапириб беринг.

— Шчелоковнинг расмга ўчилиги биз учун янглик эмасди. Гувоҳларнинг кўрсатмасидан билиндики, Шчелоков 1971 йили Ереванда бўлганида М. Сарьян уй-музейига ташриф буюрди ва ўзига манзур тушган «Дала гуллари» расмини харид қилиб олишга топшириқ берди. Расм Арманистон ССЖ ИИВ лойиҳа-смета бюроси ўтказган 10 минг сўм эвазига сотиб олинди ва Шчелоковга тақдим этилди. 1973 йили «Советская милиция» ойномаси «Дала гуллари»нинг репродукциясини босди ва расмом уни ССЖИ ИИВ Марказий музейига совга қилганини кўрсатди. Амалда эса расм музей оstonасидан ҳатламади, у 1-сонли давлат дала ҳовлиси кинозалида осиллиқ турарди. Шчелоков вазирлик курсисидан тушгач, расм Болшеводаги далаҳовлига кўчирилди ва иккинчи қаватдаги ётоқхона деворини бегади. Тафтиш бошлангандан сўнг эса Шчелоков «Дала гуллари»ни ИИВнинг Таганжадаги тасвирий санъат студиясига элтиб қўйиш ҳақида кўрсатма берди.

Шчелоковлар оиласига қарашли расмларнинг бир қисмини биз музей мутахассисларига кўрсатдик. Кустодиевнинг чой ичаётган савдогар аёл тасвирланган расмини кўрган Пушкин музейи ходимаси ҳайратга тушди: «Бу қанақаси, ахир, ушбу расм бизда бўлиши керак эди-ку!» Маълум бўлишича, илгари суд ҳукми билан мусодарага учраган мазкур полотно сотувга чиқариш учун «Москомиссионторг»га келиб тушди.

Одатта кўра уни санъатшунослар эътиборига ҳавола этишди. Пушкин музейи уни сотиб олиш истагини бевдирди, у эса Шчелоков уйдан топилди...

Уйдаги мол-мулкнинг кўзни қамаштирадиган даражада тўлиб-тошиб ётганига келсак, у қандайдир ижирганишдан бошқа нарса уйғотолмасди. Қарангки, Болшеводаги далаҳовли ётоқхонаси полида устмуст солинган бешта гиламга дуч келдик. Ҳожатхона ва чўмилиш хонаси шифтига ўрнатилган бисёр шоҳлаган биллур қандилларни кўрганда, шунга ўхшаш ҳолат ўзимизда пайдо бўлганини сездик. Далаҳовли уловхонасига фин ҳаммомидан ташқари, равони, ошхонаси, чўмилиш хонаси ва кенг ёрдамчи ҳўжралари бор икки хонали ажайиб уй туташиб кетганди. Уни кўздан кечираётиб, бу ерда нима борлигини сўраганимда, Шчелоков бепарволик билан деди: «Ҳа, буми, хизматкорлар учун...».

— Тинтув ўтказиш чоғида ўзини қандай тутди?

— Ким бўлишидан қатъий назар ҳар қандай одам учун, у оддий сотувчимиз ё вазирми, бу чидаш оғир бўлган тадбир. Шчелоков ўзини яхши тутди, жаҳли чиққани сезилмади, лекин баъзи лаҳзаларда совуққонлик уни тарқ этарди. Айниқса, бу бизга армия генералининг «маршаллик юлдузчаси»ни узатаётиб айтган кўйидаги сўзларида яққол билинди: «Мудофаа вазирлигида бўлганларингда... уни сизлар топшириб, мени оврагарчиликдан хол қилсангизлар, менга маъқул бўларди. Энди менга унинг кераги йўқ...»

(Давоми бор).

# Шанба учрашувлари

## Тонги роз

Она, қўлимга қалам тутганимда тонгга ҳали анча бор эди. Тошкентдай шаҳри азмига келиб етишган энг катта давлатим-кичкинагина уйчамда танҳоман. (Бу давлатдан бенасиб саргардонлар озми?) Бир шоирамиз айтмоқчи, «юлдузлар тун бўйи йиғлабди, она». Кўз ёшларининг совуғи деразамдан оқеди. Жуңжикаман. Жиндайтина тафтга зор бўламан. Бирдан яланғоч деворимнинг ягона беағи-сувратингизга кўзим тушади. Исийман. Бу сувратда ҳаммамиз бормиз, аслида. Отам, Сиз, жигарларим. Мен Сизнинг елкангизга қўлимни қўйганман. Ташвишларингизни олмоқчиманми ё юк бўлиб босяпманми? Онажон, мен Сизни куйдирдим. Йўқ, йўқ юзингизга оёқ босмадим, сутингизга туфламадим, ёмон билан йўлдош бўлмадим, хиёнат кўчасига кирмадим. Фақат... Сизнинг ёнингизга сизмадим. Муштдай жуссам сизди, лекин руҳим сизмади, она! Қандай?

Ахир, мен қишлоғимни, Ватан ичидаги Ватаним — лойсувоқ уйимга, покиза сингилларимга, белида белбоғи маҳкам акаларимга қаттиқ муҳаббат билан боғланган эдим-ку!

Нега кетдим, нега қайтмадим? ...Она, мен жуда эрта улғайдим. Сизнинг беланчак учун қоп, арқон орқалаб, кетмонни елкангизга қўйиб, далага кетаётган қиёфангиз улғайтирди мени.

Заҳарлар шимиб, сарғайган, сўлган чехрангиз, ташвишлар, чарчоқлар униқиб қолган чехрангиз улғайтирди мени, онажон!

Бу заҳарлар пуштингизга ҳам ўтиб кетган экан. Бегуноҳ Меҳриддин, норасида Зарғулнинг ўлими улғайтирди мени.

Сиз ўзингиз тош бўлиб чидаган муҳитни шу улғайган қалбим билан эрта тушундим, онажон!

Сизга от ўйнатган, қўлини бигиз қилганлардан жуда эрта нафратлана бошладим. Аммо... Аммо мен ҳам қиз бола эдим. Тангри қиз болани исёнлар учун эмас, гўзал сукунатлар учун яратган. Шунданми менинг исёним ҳам Сиздан жим кетиш бўлди.

Хато қилдим, билардим. Елғиз бошимни қутқарганим билан қутуларимдидим инқилоб қишлоқ аёлига бахш этган «бахтдан»! Дала-уй, уй-дала... Сигир-бузёқ, қозон-товоқ, йиртик-ямоқ... Мана, шу бахт баени. МУҲАББАТ қани?! Қани МАЛИКАЛИК? ГУЗАЛЛИК қайда?

Шаҳарга келиб чингакм бахтли бўлмоқчи эдим. Озода юраман, соатли ишлейман, дўст орттираман... Сизни қувонтирмоқчи эдим ўзим билан. Битта менинг қувончим билан шикаста кўнглингиз бутлалар дедим.

Сиртдан ўқишга кирдим, тўқимачилик комбинатида иш бошладим.

Она, мен янглишни тузатаман деб, яна янглишибман. Комбинат қалбиде зотан туйғуси йўқ, фақат қаерда яхши яшасэ, шу ерни ўзларига зотан деб билгувчи ким-

саларга тўла экан. «Пул!», «Пул!» — дерди уларнинг ҳар бир ҳаракати.

Мен улар орасида ҳам бегона эдим, она.

Мен пул учун эмас, ўзимни билдириш учун, осмоний руҳим сувратини ишимга чиқиш учун боргандим у даргоҳга. Аммо, Сизнинг тупроқ туси урган чехрангиздан руҳим қанчалар озорланган бўлса, бу ерда ҳам озор кам кўрмадим.

Биров менинг қалбимга мўраламади. Мен ишчи кучи эдим, холос. Кунда шунча соат ишлашим зарур эди. Мен шунча соатда йигирган ипим билан ўлчанардим, холос.

Она, Сизнинг қалбингиз қўшиқ эди. Бу қўшиқ аллаларга тўкилган, холос.

Она, қалбингиз гул эди, бу гул изи шошилиб тиккан кашталарда бор, холос. Қолган қўшиқлар пахта хирмонлари остида дафн этилган.

Қолган гуллар ҳам тупроқда.

Мен бир оҳангнингизман, она, бир гулнингизман.

Мен оҳангдан дostonга, гулдан чаманга айланмоқчи эдим.

Вожаб, оҳангларим шикаста, гулларим сўлгин.

Қуллар, бойликка, безакка қуллар, мансабу амалга қуллар. Кун кўришга қуллар-қулик кичрайтирди руҳимни, ерга босди.

Она, сизу мен оралигимиздеги чегара қани? «Колхозчи», «ишчи» деган шилдироқ қоғоздай сўзларми?

Қани, менинг Сиздан қочиб, руҳим интилган арши-аъло...

...Она, мен бу даргоҳдан ҳам кетдим. Осмоний хаёлларимни, пок ҳисларимни олиб кетдим. Жоним жонингизга туташ Сизнинг, элимнинг дардини, ташвишнинг қалбимга кўчириш учун кетдим. Борар манзилим узоқ (эхтимол, борса келмас) эканлигини билсам ҳам кетдим.

Онажон, энди тонг кўзларини очмоқда. Кўздан сочилаётган энг юлдузнинг кўз ёшларини, митти жисминни қуритади. Мен эса такрор-такрор қадрдон сувратингизга боқаман.

Сиз менинг совқотган жисмига тонг энёсимисиз?

Шунча қаттиқ-қуруқ кунлар ичидан омон чиқдимми, бу ҳарорат?! Демак, қадим аждодларимиз бекорга ўтга сизгинишмаган экан-да, ўша тангрига айланган оташ ҳам туркий аёлнинг матонатидан, эхтимол...

Она, мен сувратингиз ўтида исиняпман. Сиз менга астойдил тикилинг, балки, ўзим ҳам чўғдирман. Туташ-сақ, ўтимиз баланд ёнар, эхтимол. Бу кунларга гулханлар керак, она!

Фақат жисмишим энган гулханлар эмас...

Биз яшашга ҳақлимиз, гўзал умрга ҳақлимиз!

Тонг кўзларини катта очди. Қаранг, кўзлари қуёш экан тонгнинг!

Бизнинг — туркий аёлларнинг очилган кўзлари ҳам офтоб бўлармикан, она!...

Ойгул УБАЙДУЛЛА қиз.

Қўнғиртепа деб аталадиган тоғ этагида мўъжазгина бир ўрмон бўлиб, бу ерда ҳам бошқа ўрмонлардагидек дов-дарактлар, ўт-ўланлар ўсар, турли-туман ҳайвонлару ҳашоратлар яшарди. Лекин кейинги пайтларда ўрмонда яшовчи барча тирик жонзотлар озуқа тақчиллигига дучор бўлиб қолишди. Бу муаммо хусусида ўрмон хўжайини Шерга ҳам устма-уст арзномалар туша бошлади. Ниҳоят, Шер ҳайвонлардан вакиллар тўплаб, озуқа тақчиллигининг сабабларини аниқлашга киришди. Йиғилишда ҳамма вакиллар ўзларининг фикрларини бирмабир айтишиб, таклифларини ўртага ташлашди.

— Менинг фикримча ва фаҳмлашимча, — деди гапга суқилган Бош Олмаҳон, — озуқа тақчиллигига дучор бўлишимизнинг асосий сабаби — ўрмон маҳсулотларини четдан келтирилганларнинг ўмариб кетаётганлигидир. Ҳайвонларнинг орамизда ҳам баднафслар кўп. Улар маҳсулотларнинг бир қисmini босиб қўйишяпти, бир қисmini ҳатто четга ям чиқариб юборишяпти.

— Хўш, нима таклиф қилмоқчисан? — Бош Олмаҳонга юзланди Шер.

— Ҳаммамизга аёнки, ўрмонимизнинг худуди тор. Боз устига четдан елчитиб маҳсулот ҳам келтирмаймиз. Шунинг учун ўзимиздаги мавжуд маҳсулотларни асраб-авайлаб ишлатган тақдиримиздагина, муҳтожликка тушиб қолишнинг олдини олиш мумкин.

— Мана, Бош Олмаҳоннинг фикрларини эшитдинг-

### НАСРИИ МАСАЛ

## Қўриқчи панд еди

лар, — деди Шер йиғилганларга қараб. — Энди қандай чора-тадбирлар белгилашни маслаҳат берасизлар?

— Бунинг учун ўрмонда қўриқчилар бригадаси тузиш лозим, — деб таклиф киритди оҳулар вакили. — Улар даладан кириладиган йўлларда навбати билан соқчилик қилишсин. Шу билан бирга четдан келиб, ўрмондан маҳсулот олиб кетишга уринганлар ҳам, қолаверса, орамиздаги ўта баднафслар ҳам қўлга туширилса, аёвсиз жазоланмоғи лозим.

Худди шундай қилинди. Қовоқарилар ва ғозлар галасидан иборат икки гуруҳ қўриқчилар бригадаси тузилиб, қовоқариларга кундузи, ғозларга эса кечаси қоровулликда туриш топшириғи берилди. Икки тўда устидан умумий раҳбарлик ва назорат қилиш Бош Айиқполвоннинг зиммасига юклатилди.

Бир-икки кун ўрмонга кириш ҳам, чиқиш ҳам қатъий назорат остига олинди. Қўлга тушганлар жазога тортилавердилар.

Шундай кунларнинг бирида қовоқарилар гуруҳи тоққа чиқиладиган томондаги назорат нуқтасида қўриқчилик қилишяптанди. Айиқполвоннинг уйи ҳам худди шу атрофда эди. Бир маҳал ўрмон ичкарасидаги

сўқмоқдан тулки кела бошлади. У чалажон какликни тишлаганича олазарак йўртиб келаятганида арилар уни ўраб олишиб, тўхташга мажбур қилишди.

— Биринчидан, бу сўқмоқдан юриш ман этилган, — деди Бош Ари Тулкига қараб. — Иккинчидан, белгиланган қонунга хилоф равишда какликни ўғирлабсан. Хўш, какликка ҳужжатинг борми?

— Биринчидан, — гапга тушди Тулки, — менда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Иккинчидан, бу ўғирлик эмас, Айиқполвоннинг топшириғига биноан у кишиникига олиб бораяпман. Тоғдан Бўри тоға келган экан, уни меҳмон қилиш учун менга каклик тутиб келишни буюргандилар. Қани энди, йўлни очасизми? У киши даргазаб бўлиб ўтирмасинлар.

Шундан сўнг Бош Ари Тулкини ўтказиб юборди. Шу пайт назорат нуқтасидаги алоқа қўнғироғи чалинди. Бош Ари қўнғироққа қулоқ тутди:

— Навбатчилар бошлиғи Ари эшитади!

— Бош Ари! Мен Бош Айиқман. Ҳозир битта Тулки оғзида чалажон каклик билан тоғ томонга кетаётганини Олмаҳон хабар қилди. Назорат нуқтасида уни тутиб турингллар, мен ҳозир етиб бораман!

Бўлиб ўтган ҳодисанинг оқибатини эслаб, Бош Ари ҳушидан айрилди. Бош Айиқнинг сўнги сўзларини зўра эшитди: «Хушёр бўлиб турингллар!»

Нормамат ТОҒА, Косон шаҳри.

## Мусаҳҳиҳ адашди

Шаҳар мазори чайқовчилар уясидир. Дўкон мудирни қайта ҳуришни ўзидан бошлади. «Катта» билан қориндошлигим қўл келди. Мол ўгрисининг кўзи тузоққа тушди.

Тўловчи Абдуазиз ҲОШИМОВ, Каттақўрғон шаҳри.

Қонун — қамалда. Нархи арзонлашган чоллар. Қуруқ ошиқ оғиз йиртар. Юз ёшга кириш учун ичмаслик, чекмаслик зарар. Камбағал тўрига шўрва тўкилди.

Тўловчи Эркин САТТОВ, Китоб тумани.



«АЛЛО, 02-БОҒЧА ЭШИТАДИ...» С. МУСАЕВ олган ҳазил сурат.

Бугун оғир кечмоқда хизмат, Кўп жойларда жанжал-қиймат, Гаму ташвиш, кулфатлар қат-қат, Азиз касбдош, берайлик бардош, Кўплар биздан жуда розилар, Лек бўҳтонин қўймас баъзилар, Етти пушга гўрлар қаанилар, Азиз касбдош, берайлик бардош, Сов-саноқсиз буйруқ берарлар

## БАРДОШ БЕРАЙЛИК

Бўлар бўлмас танқид қиларлар, Яна ҳақсиз айблар қўярлар, Азиз касбдош, берайлик бардош, Жанг майдони бизларга қолар, Кўплар ўзни панага олар, Сурон ўтгач, суронлар солар, Азиз касбдош, берайлик бардош, Ҳали кўпдир ёту

ёмонлар, Давом этар бетиним онлар, Бермоқдамиз не-не қурбонлар, Азиз касбдош, берайлик бардош, Тинчиб қолар беором замон, Хизматимиз бўлар намоев, У кунларга етайлик омон, Азиз касбдош, берайлик бардош, Н. КАРИМОВ, Пастдаргом тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани.